

да ҳосилдорлик ва самарадорликни кескин ошириш бўлиб, ҳар бир туманинг имконияти ва ривожланиш йўналишидан келиб чиқиб, дехқончилик билан шуғулланадиган оиласларга 10 сотихдан 1 гектаргача ер майдонлари ажратилиши;

эҳтиёжманд аҳоли бандлигини таъминлашга Бандликка кўмаклашиш ҳамда Жамоат ишлари жамғармаларидан 500 миллиард сўм йўналтирилади. Ҳисобкитобларга кўра, мамлакатда кам таъминланган аҳоли сони 12–15 фоизни (4,5–5 млн киши) ташкил этади. Охирги 2 йил ичидаги ижтимоий нафақа олувчилар сони 1,3 баробарга кўпайди, нафақалар миқдори 2 баробарга ошди. Хулоса қилиб айтганда мамлакатимиз аҳолисининг камбағалликдан қутқаришда авваламбор, кичик бизнес субъектлари ва оиласий тадбиркорликни ривожлантириш кўзда тутилган бўлиб, бу орқали иш билан банд-

ликни таъминлаш, аҳоли даромадини ошириш мақсадида унга эришишда белгиланган вазифалар ҳамда ислоҳотларни изчиллик билан амалга ошириш лозим.

Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун энг аввало ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш зарур. Самарадорлигини ошириш жараёнлари эса :

- жойларда қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш;
- ташқи иқтисодий фаолиятдаги иштирокини кучайтириш;
- аҳолини иш билан таъминлаш;
- даромадларини ошириш борасидаги имкониятларидан тўлақонли фойдаланиш каби йўналишларини ривожлантириш орқали эришиш мумкин.

### Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Самсонов К. Элементы концепции экономической безопасности//Вопросы экономики. -1994.-№12.-С.14;
2. Мильнер Б. Качество управления – важный фактор экономической безопасности // Вопросы экономики.-1994.-№12.-С.54;
3. Родина Т.Е. «Реализация национального проекта «малое и среднее предпринимательство и поддержка индивидуальной предпринимательской инициативы» в России»//Сборник тезисов докладов участников научно-практической конференции «Инновационные направления интеграции науки, образования и производства»- Керчь: ФГБОУ ВО «КГМТУ», 2020. – 329-331с.
4. Сэй Ж.Б. Трактаты политической экономии. – М.: Экономика. 1985. – 55 с.
5. Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. Т.1.– М.: Ось, 1977. – 480 с.
6. Хизрич Р., Питерс М. Предпринимательство или как завести собственное дело и добиться успеха. – М.: Прогресс, 1991. – 223 с.
7. [http://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/22\\_Ibragimov.pdf](http://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/22_Ibragimov.pdf)
8. Гулямов С.С., Догиль А.Ф., Семенов Б.А. Предпринимательство и малый бизнес. – Т. 1997 – с. 33 – 34
9. Абдуллаев Ё., Каримов Ф. "Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари". Т.: Мечнат.2010. 9-бет
10. Ходиев Б.Ю. Физбекистон иқтисодида тадбиркорлик ривожини эконометрик моделлари. 08.00.06 – "Эконометрика ва статистика" ихтисослиги бўйича иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати.Т.: 2000. 42-б.
11. <http://www.imf.org/external/pubs/ft/sdn/2015/sdn1504.pdf>
12. Оиласий тадбиркорлик: иш ўринларини ўзимиз яратамиз. <https://uzanalytics.com/iqtisodi%D0%B5t/3671>
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Худудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оиласий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 2019 йил 7 марта даги ПҚ-4231-сон Қарори
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳукуқларининг кафолатларини кучайтириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни ташкил қилиши тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида"ги 2019 йил 13 августдаги ПФ-5780-сон Фармони.
15. М.С.Қосимова, Ш.Ж. Эргашходжаева, А.Н. Самадов, И.Б.Шарипов. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. Ўқув қўлланма. – Т.: 2020, – 274 бет.

## ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА БИЗНЕС ИНКУБАТОРЛАРНИНГ ИННОВАЦИОН САЛОҲИЯТИНИ БОШҚАРИШ

Нарзуллаев Шодиёр Эштулатович -  
Ўзбекистон-Япония ёшлар инновация маркази  
бўлим бошлиғи

**Аннотация.** Мазкур мақолада миллий иқтисодиётни модернизациялаш шароитида бизнес инкубаторлар фаолиятини амалга оширишда инновацион илмий ва технологик ишланма лойиҳалар (дастурлар) яратиш, инновацион бизнес режсалар ишлаб чиқиши, яратилган ғоявий ишланма натижаларини қўллаб-қувватлаш, уларни тижкоратлаштириш орқали янги иш жойларни ташкил этилишининг иқтисодий афзалликлари ёритилган.

**Таянч сўзлар:** модернизация, бизнес инкубатор, илм, инновацион ғоялар, яратувчанлик, ноу-хау, технологиялар, менежмент, маркетинг, тижкоратлаштириш, янги илмий ишланмалар, иқтисодий ривожланиш.

УПРАВЛЕНИЕ ИННОВАЦИОННЫМ ПОТЕНЦИАЛОМ БИЗНЕС-ИНКУБАТОРОВ  
В УСЛОВИЯХ МОДЕРНИЗАЦИИ ЭКОНОМИКИ

**Нарзуллаев Шодиёр Эшпулатович -**  
Узбекско-японский молодежный инновационный центр  
Заведующий отделом

**Аннотация.** В статье приведены экономические выгоды от создания новых рабочих мест за счет формирования инновационных научно-технологических проектов (программ), разработки инновационных бизнес-планов, поддержки результатов идей развития, их коммерциализации при внедрении бизнес-инкубаторов в модернизацию народного хозяйства.

**Ключевые слова:** модернизация, бизнес-инкубатор, наука, инновационные идеи, творчество, ноу-хау, технологии, менеджмент, маркетинг, коммерциализация, новые научные разработки, экономическое развитие.

MANAGING INNOVATIVE POTENTIAL OF BUSINESS INCUBATORS IN THE CONTEXT OF MODERNIZATION OF ECONOMY

**Narzullaev Shodiyor Eshpulatovich -**  
Uzbek-Japan Innovation Center of Youth Head of the Department

**Annotation.** This article describes the economic benefits of creating new jobs through the creation of innovative scientific and technological projects (programs), the development of innovative business plans, support for the results of the created ideological development, their commercialization in the implementation of business incubators in the modernization of the national economy.

**Keywords:** modernization, business incubator, science, innovative ideas, creativity, know-how, technology, management, marketing, commercialization, new scientific developments, economic development.

**Кириш.** Бугунги кунда миллий иқтисодиётни модернизациялаш шароитида янги Ўзбекистоннинг инновацион янгиланиш дастурини шакллантириши, инновация ва технологиялардан самарали фойдаланадиган янги авлод мутахассис кадрларини тайёрлаш ўта муҳим аҳамиятга эга.

Дунёда илм, илмий инновацион ғояларнинг янги материалларини мақсадли равища яратиш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш муҳим ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев жорий 2021 йил 20 август куни Тадбиркорлар билан бўлиб ўтган очик мулоқотда ишбилармонлар ўз фаолиятида инновация ва илғор ёндашувларни кенг жорий этиши, ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни жалб қилиш ҳақида гапирав экан, Ўзбекистонда бизнес инкубаторни жорий қилиш масаласига ҳам алоҳида тўхталиб ўтди[1].

Дарҳақиқат Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш, ҳалқ ҳаётининг фаровонлигини оширишда барча соҳаларда илмий инновацион ғоялар яратувчалигини таъминлаш давлат сиёсатининг пировард мақсадига айланиб бормоқда. Шунингдек янги Ўзбекистоннинг ривожланиш босқичида инновацион бизнес инкубаторлар фаолиятини ривожлантириш давр талабидир.

Бошқача қилиб айтганда “Бизнес инкубаторлар ривожланишнинг барча босқичларида ёш тадбиркорларнинг лойиҳаларини, ғояларни ишлаб чиқишидан, то уни тижоратлаштириш-

гача қўллаб-қувватлайдиган жараён тушунилади” [2,15]. Жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳалари шиддат билан ривожланаётгани, ислоҳотларни мамлакатимизнинг жаҳон цивилизацияси етакчилари қаторига кириш йўлида тез ва сифатли илгарилашини таъминлайдиган замонавий инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларга асосланган ҳолда амалга оширишни тақозо этади.

Бизнес инкубаторлар, асосан, хўжалик юритувчи субъектларга дастлабки фаолиятида бозор иқтисодиёти бўйича зарур билимларни ўргатиш, бизнес режа тузиш, маблағлар топиш, ҳалқаро грантлар олишда кўмаклашиш, тадбиркорлик ғояларини амалий лойиҳаларга айлантириш ва жорий этиш ишларини амалга ошириб боради [2,15].

**Адабиётлар таҳлили.** Бизнес инкубатор ҳаётимизга замонавий тушунча сифатида кириб келган бўлсада, у жаҳонда XX асрнинг 60-80 йилларида кичик ва ўрта бизнес юритиш малакалари ва тадбиркорлик маданиятини тарбиялаш билан шуғулланадиган ихтисослашган муассаса тарзида пайдо бўлган.

Бизнес инкубатор соҳасини ривожлантиришга ҳисса қўшган олимлардан Тормышева Т.А [6]. Гамидуллаева Л.А. [7]. Оганесян В.Г [8]. Берр X, Александрова Н.[9]. Маркварт Э.[10]. Синицкий Д.А.[11]. Сошникова Е.А.[12,13]. Ясин Е.Г. [14]. ва бошқа бир қатор ҳорижий олимларнинг ҳам ишларида ўз аксини топган.

1985 йилга келиб жаҳонда 70 га яқин бизнес инкубатор мавжуд бўлган бўлса, 1992 йилда

уларнинг сони 472 тага, 1995 йилларда 1100 тага етди. Ҳозир эса дунё бўйича 2000 дан ортиқ иирик бизнес инкубаторлар иш олиб боради. Улар инновацион марказлар, технополлар, технопарклар, илмий парклар ва хоказо қўринишида фаолият юритади.

Йиллар давомида мутахассислар бизнес инкубацияни ўзига хос тарзда аниқладилар. Аммо асосий тушунча аввалгидек қолади. Шерман ва Чаппелнинг сўзларига кўра, бизнес инкубатор “Биринчи навбатда жамиятда янги корхоналар яратиш ва янги корхоналарни яратишга ёрдам берадиган иқтисодий ривожланиш воситаси” деб таъкидлайди. [15]


**Тадқиқот методологияси.** Илм-фан ва техника ютуқларини иқтисодиёт тармоқларига кенг қўллаган ҳолда, бизнес инкубаторларнинг замонавий инновацион технологияларини тез-

кор жорий этиш ривожланишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Шу жумладан муайян соҳаларда инновацион инкубаторда яратилган ихтиrolарни қўллаб-кувватлаш ҳисобига кичик бизнесни ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшади ва жойларда минтақаларнинг ижтимоий-иктисодий ўсиш салоҳияти ривожланиб боришини таъминлайди, пировардида ишлаб чиқариш соҳаларининг ҳажми кенгаяди ва истеъмолчиларнинг эркин сифатли товарлар ва хизматларга бўлган талаби қондирилади. Яъни минтақанинг аҳоли жон бошига яратилган ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)даги даромади ошади ва молиявий жиҳатдан жозибадорликка эришилади.

Соҳалар кесимида бизнес инкубатор фаолиятини ривожлантиришнинг инновацион механизмини қўйидаги 1-расм орқали батафсил кўриш мумкин.

### Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида “Бизнес инкубаторларнинг инновацион фаолияти” механизми



**1-расм. Бизнес инкубаторларнинг инновацион фаолият механизми**

Юқоридаги 1-расмда келтирилган маълумотлар асосида бизнес инкубаторларнинг мамлакатда ривожланиши учун инновацион бизнес режалар, лойиҳалар, янги потенциал технологиялар каби қўрсаткичларга асосланиб, тадбиркорликни ривожлантиришга ва қўллаб-кувватлашга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга муво-

фиқдир. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини модернизациялашда замонавий менежмент бошқарув тизимини янада ривожлантириш орқали моддий-техник ва молиявий ресурсларни самарали механизмларини ишлаб чиқиш, маркетинг талаблари асосида маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда хизмат турларини кўпайтириш-

га эришиш, самарасиз харажатларнинг шаклланишига йўл қўймаслиқ, шунингдек касод бўлиш хавфидан эҳтиёткор бўлиш бизнес инкубаторлар учун долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Тажрибадан билиш мумкинки, инновацион иқтисодиётни ривожлантиришда бизнес инкубатор фаолиятини шакллантириш қўлай

истиқболли омиллар муҳим аҳамият касб этади. Унда меҳнат ресурслари такомиллашиб бандликнинг ўсиш нуқтаи назаридан худудларда янги юқори технологияларга асосланган кичик, ўрта, йирик саноатлашган ишлаб чиқариш корхоналари вужудга келади. Биз қўйидаги (2-расм) мисолида бизнес инкубатор фаолияти шаклларини кўриб чиқамиз.



**2-расм. Бизнес инкубатор фаолияти шакллари схемаси**

2-расмдан кўриш мумкинки, бизнес инкубаторларнинг фаолиятини комплекс равиша ривожлантириб, такомиллаштириб бориш, ўз навбатида ишлаб чиқариш корхоналарининг кўпайишига олиб келади. Натижада меҳнатга лаёқатли ёшдаги ишловчи аҳоли сони ошиб, ёшлар орасида ишсизликни камайтириш муаммоларини анча бартараф этади ва камбағаллик дастурининг меҳнат бозорида қўшимча янги иш жойларни яратиш имкони туғилади. Бугунги кунда бизнес инкубаторлар илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш учун ўз илмий-тажриба базасини яратиш ва такомиллаштириш, қўшма тадқиқотларни ташкил этиш, илмий таълим ва бошқа муассасалар учун турли хил илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишларига олинган буюртмаларни сифатли бажариш муҳим саналади. Бироқ, кўпчилик йирик корхоналар инновацион корхоналар эмас балки ташқи муҳит жуда тез ўзгариб турганлиги боис инновацияларни ўз вақтида амалга ошириш лозим.

Бу муаммо нафақат рақобат билан чамбарчас боғлиқ, балки вақтга ҳам бевосита боғлиқдир, чунки янги маҳсулотни ишлаб чиқаришга кетадиган вақтни сезиларли даражада қисқариши ташкилотнинг самарали ишлаши учун объектив заруратдир. Юқоридаги тавсифлар корхонанинг муваффақиятга эришиш воситаларидир, улар бир-бири билан боғланган бўлиб ташкилотнинг инновацион фаолиятдан оладиган самарасини кучайтиради. Корхоналар-

нинг муваффақияти кўп жиҳатдан турли омилларга боғлиқ, жумладан глобал рақобат, тезкор технологик ривожланиш ва инновацион муҳитга боғлиқ. Намунавий бизнес инкубаторининг инновацион бошқарув структурасини кўриб ўтамиз (3-расм).


Бизнес инкубаторларнинг намунавий бошқарув структурасидан (3-расм) кўриниб турибдики, бир-бирлари билан ўзаро манфаатли масалалар бўйича ахборотлар алмashiш, биргалиқда маслаҳатлашиш, семинарлар, кўргазмалар ташкил қилиш, электрон алмашинувларни ўз ичига олган ҳолда технопаркларда технология тизимларини ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштиришдан иборат.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда бизнес инкубаторларни ривожлантириш учун қўйидагиларни амалга оширишда алоҳида эътиборимизни қартишимиз лозим.

Биринчидан, бизнес инкубатор учун инновацион бизнес режалар, илфор технологик лойиҳалар ишлаб чиқиш корхоналари, инвесторлар, қўшма корхоналар ва ҳомий ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ва шартномалар тузиш ишларини амалга ошириш.

Яхши ўйланган бизнес лойиҳаларни изчил амалга ошириш ва моддий қўллаб-куватлашга доир Ноу-хай технологияларнинг бир неча саноат намуналарини яратиш бўйича чора-тадбирларни белгилаш.

НАМУНАВИЙ БИЗНЕС ИНКУБАТОР СТУРУКТУРАСИ



3-расм. Бизнес инкубаторларнинг намунавий бошқарув структураси

Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ва молиявий қонунчилигини билиши, норматив солиққа оид хужжатларнинг талабларига риоя этилишини таъминлаш [3,4]. Иқтисодий, ҳуқуқий дипломатик музокаралар олиб бориш, инвестиция муҳитини яратиш ва қўшма корхоналарни ташкиллаштириш [5].

Истиқболли инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун резидентларга бизнес инкубатор хизматларини таклиф этиш орқали бизнесни ривожлантириш. Резидентлар учун қисқа муддатли курсларни ташкил қилиш ҳамда уларга тегишли тасдиқловчи хужжатларни беришни ташкиллаштириш.

Стартап лойиҳаларини яратиш ва стартапларга бир қатор хизматлар ва ресурслар, жумладан, иқтисодий, ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатлар бериш, истиқболли лойиҳаларни муҳокама қилиш ҳамда энг яхши стартап лойиҳаларини молиялаштириш.

Ёш олимлар, изланувчилар, талабалар, тадбиркорларни хизматлардан тўғридан-тўғри фойдаланишга жалб этиш ҳамда алоқаларни йўлга қўйиш, маҳсус тадқиқотлар, маслаҳатлар, ўқув тадбирлар (курслар), семинарлар, конференция, симпозиумлар ва танловлар ўтказишни ташкиллаштириш.

Академик илмий муассасалар олимлари ва изланувчилари, Олий таълим муассасаларининг талабалари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш, ҳар бирининг алоҳида бизнес инкубатори учун интеллектуал фаолият натижаларининг йўл харидарини ташкиллаштиришни ташкиллаштириш.

таларини шакллантириш ҳамда уларни электрон базасини яратиш.

Иккинчидан, мавжуд инновацион ғоялар, бизнес режалар, илғор технологик лойиҳалар ва техника-технологиялар ёрдамида бизнес инкубатордан самарали фойдаланишни амалга ошириш.

#### Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Тарақкий этган мамлакатларда инновацион бизнес инкубаторлар томонидан тайёрланган ғоявий ишланма лойиҳалар давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватланади, шунингдек энг асосийи ғоялар давлатларнинг бойлиги ҳисобланиб уларга алоҳида эътибор қаратилади. Бу тарақкий этган давлатларда ишлаб чиқариш жараёнини амалга оширишда янги инновацион ғояларга бир қанча молиявий ташкилотлар, фондлар ва тижорат банклари томонидан ташкил қилинади. Амалга ошириб бориш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикасида ҳам бизнес инкубатор фаолиятининг энг яхши самарали тежамкор юқори технологик ишланма лойиҳаларини минтақавий бюджетлардан молиялаштириш (кредитлаш) ва инвестициялаш манбааларини кенг кўламда амалга ошириб бориш мақсадга мувофиқдир.

Юртимизда биринчи бизнес инкубатор 1995 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ЮНИДО ташкилоти ва Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳамкорлигидаги “Ўзбекистонда бизнес инкубаторлар тармоғини

шакллантириш ва ривожлантириш" лойиҳаси асосида ташкил этилган[5,15]. Аммо ушбу фаолият яқин вақтгача айтарли даражада ривожлантирилмади. Мамлакатимизда замонавий фаолият турлари, ўёналишлар, хусусан, бизнес инкубаторлар сўнгти йиллардагина ривожлана бошлади. Бирин-кетин инновация марказлари, технопарклар иш бошлади. Уларда иқтидорли ёшлар бирлашиб, тегишли ташкилотлар кўмагида ўз ғоя, ишланмаларини ҳаётга тадбиқ этиб келмоқда.

Хусусан сўнгги йилларда Республикада, жумладан Жizzах вилояти ҳокимлиги томонидан 2019 йил 1 мартда бу борадаги ишлар режалаштирилган, лойиҳаларни бошқариш миллий агентлиги қошида Жizzах шаҳри тадбиркорларини қўллаб-куватлашга қаратилган бизнес инкубатор фаолияти йўлга қўйилди. Бунда ёш тадбиркорларнинг истиқболли ғоявий бизнес лойиҳа ишланмаларини тўғри йўналтириб уларга молиявий ёрдам қўрсатилмоқда. Бундан ташқари, Фарғона вилоятида ҳам "Ўзмиллий-банк" АЖ томонидан 2020 йил июн ойида ташаббускор ёшлар вилоятнинг ҳудудларини ривожлантириш мақсадида ғоялари ва таклиф этилган дастурлари ишлаб чиқаришга ўз ҳиссаларини қўшишига мўлжалланган "Лойиҳалар фабрикаси" лойиҳаси иш бошлади. Сирдарё вилоятида эса Бизнес акселератор ўз ишини бошлади, келгусида Самарқанд, Навоий, Сурхондарё, Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа барча вилоятларда (шаҳарлар) ҳам шунга ўхшаш ёш ғоячилар учун бизнес инкубаторлар, (акселераторлар) лойиҳалар фабрикаларини ташкил этиш назарда тутилган.

Ҳозирги кунда корхоналарнинг муваффақияти кўп жиҳатдан турли омилларга боғлиқ, жумладан глобал рақобат, тезкор технологик ривожланиш ва инновацион мұхитга боғлиқ.

Шунингдек Республикада бизнес инкубаторлар учун янги бозорлар топиш, импорт ҳажмини қисқартириб, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва маҳсулотлар ҳажмини кўпайтиришга қаратилган лойиҳаларни ўз вақтида қўллаб-куватлаб молиялаштириш режаларини мунтазам равишда амалга ошириб бориш зарур. Шу билан бирга илм ва инновацион техно-

логиялар салоҳиятини бизнес инкубаторлар тизимиning илғор хориж тажрибасида ижобий самара берган усулларини амалиётда кенг қўллашни амалга ошириш керак. Шу жумладан хорижий давлатлар технологияларини маҳаллийлаштириш чора-тадбирларини амалга оширишда бизнес инкубаторларнинг миллий лойиҳаларини доимий йўлга қўйиб, давлат томонидан молиявий қўллаб-куватлашни такомиллаштириб, бозорларни миллий маҳсулотга бўлган эҳтиёжини қондириб бориш мақсадга мувофиқдир.

Республиканинг бизнес инкубаторлари томонидан яратилган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этиб бориш, унинг самарадорлигини ошириш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш каби ҳар бир муаммоларни ўз вақтида эътибор қаратиб ҳал этиш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири сифатида қараш лозим.

**Хулоса ва таклифлар.** Янгича ёндашувлар асосида ижодий товарлар ва хизматлар натижаларини бизнес инкубатор фаолияти тизимида ташкил этиш, бу мамлакат иқтисодиётининг инфраструктурасини барқарор ривожлантиришда мұхим омил сифатида ўз таъсирини кўрсатади. Яъни ижодий товарлар ва хизматларга бўлган талабнинг натижалари тўғридан-тўғри бозорда соғлом рақобат мұхитини вужудга келтиради [16].

Бу борада бизнес инкубаторлар фаолиятининг самарали тизимини ривожлантириш учун бирон-бир меъёрий хужжат (концепция) ёки қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиқиб, "Ўзбекистон Республикасининг барча олий таълим муассасаларида иқтидорли ёшларнинг самарали инновацион ғояларини амалий лойиҳаларга айлантириб ҳаётга жорий этиш" бизнес инкубатор бўйимларини ташкил этиш лойиҳасини амалиётда қўллаш ва унинг самарадорлигини ошириш.

Бундан ташқари, бизнес инкубаторнинг иштирокчилари турли соҳаларда хорижий инвестициялардан самарали фойдаланиш имконияти кенгайиб боради.

### Манба ва фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2021 йил 20 август куни Тадбиркорлар билан бўлиб ўтган очиқ мулоқоти.
2. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириши бешта устувор ўёналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси /Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони ва иловаси 1-илова.
- 3.Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Маҗlisiga мурожаатномаси.– Тошкент: "Ўзбекистон", 2018. 48-б.
- 4.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21-сентябрдаги ПФ-5544-сонли "2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги фармони
- 5.Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2017 й. 6-сон
6. Тормышева, Т.А. Система управления бизнес-инкубатором на муниципальном уровне /Т.А. Тормышева /Практика муниципального управления. - 2009. -№2. - С.72-78.

7. Гамидуллаева, І.А. Разработка моделей описания и решения задач управления бизнес-инкубатором как социально-экономической системой: авто-реф. дис. ... канд. экон. наук: 05.13.10/ Гамидуллаева Лейла Айваровна. - М., 2009. -19 с.
8. Оганесян, В.Г. Развитие технопарков и бизнес-инкубаторов в системе инновационного предпринимательства: автореф. ... дис. канд экон. наук: 08.00.05 /Оганесян Виген Гагикович. - СПб., 2011 г. - 20 с.
9. Берр Х., Александрова Н. Бизнес-инкубаторы как инструмент содействия развитию экономики на муниципальном уровне. СПб.: 2000.
10. Маркварт Э. Бизнес-инкубаторы в системе поддержки малого бизнеса: российский и международный опыт. М.: 2001.
11. Синицкий Д.А. Бизнес-инкубирование: приоритеты развития // Бизнес-инкубирование и муниципальная политика. Бюллетень. М.: 2003.
12. Сошникова Е.А. Бизнес-инкубирование в промышленной сфере (бизнес – инкубаторы и крупные промышленные предприятия) // Бизнес-предложения. 2003. № 2.
13. Сошникова Е.А. О развитии бизнес-инкубаторов в России // Бизнес-предложения. 2002. № 4.
14. Ясин Е.Г. Модернизация и общество [Текст]: докл. к VIII Междунар. науч. конф. Модернизация экономики и общественное развитие./ Е.Г. Ясин; М.: ГУ ВШЭ, 2007. С 6.
15. Интернет маълумотлари. [https://ru.wikipedia.org/wiki/Бизнес\\_инкубатор](https://ru.wikipedia.org/wiki/Бизнес_инкубатор).
16. Ш. Нарзуллаев. М. Байманов. "Ўзбекистон Республикасида бизнес инкубатор фаолиятини ривожлантириши омиллари" номли мақола. Касб-хунар таълими илмий узлубий, амалий, маърифий журналнинг 2020 йил 3-сон.

### ҚУРИЛИШДА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

**Сиддиков Мумин Юнусович -**

Жizzax политехника институти “Иқтисодиёт ва менежмент” кафедраси катта ўқитувчиси

**Аннотация:** Мазкур мақолада қурилиш соҳасидаги ислоҳотлар, бу борада тадбиркорлик фаолияти ривожи, муаммолар, уларни бартараф этиши бўйича таклиф ва тавсиялар берилган. Ёшларни мазкур соҳадаги замонавий мутахассисликлар ва касб-хунарларга тайёрлашни стратегик ёндашувлари бўйича амалий тавсиялар илгари сурилган.

**Асосий тушунчалар:** қурилиш, лойиҳалаш, меҳнат, қурилиш-монтаж, тадбиркорлик, инвестиция, касбий фаолият, пудратчи.

### НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОГО РАЗВИТИЯ В СТРОИТЕЛЬСТВЕ

**Сиддиков Мумин Юнусович -**

Джизакский политехнический институт Старший преподаватель кафедры “Экономики и менеджмента”

**Аннотация:** В данной статье представлены реформы в сфере строительства, развитие предпринимательства в этой сфере, проблемы, предложения и рекомендации по их решению. Выдвинуты практические рекомендации по стратегическим подходам к подготовке молодежи к современным специальностям и профессиям в этой сфере.

**Ключевые слова:** строительство, проектирование, труд, строительно-монтажные работы, предпринимательство, инвестиции, профессиональная деятельность, подрядчик.

### SOME ISSUES OF ENTREPRENEURIAL DEVELOPMENT IN CONSTRUCTION

**Siddikov Mumin Yunusovich -**

Djizak Polytechnic Institute Senior lecturer of the Department of Economics and Management

**Abstract:** This article presents reforms in the field of construction, the development of entrepreneurship in this area, problems, proposals and recommendations for their solution. Practical recommendations were put forward on strategic approaches to preparing young people for modern specialties and professions in this area.

**Key words:** construction, design, labor, construction and installation work, entrepreneurship, investment, professional activity, contractor.

**Кириш.** Жаҳонда глобаллашув ва кескин рақобатчилик жараёнлари кечеётган бир шароитда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик (КБХТ) субъектлари дунё мамлакатлари иқтисодиётининг драйвери сифатида майдонга чиқмоқда. 2018 йилда Европа давлатларидан

Италияда 3,6 млн., Францияда 2,8 млн., Испанияда 2,4 млн. ва Германияда 2,3 млн.та КБХТ субъектлари фаолият кўрсатди. Айниқса, қурилиш тармоғида КБХТнинг роли тобора ортиб, ЕИ давлатларида, айниқса, Буюк Британияда иқтисодиётнинг қурилиш тармоғи савдо (6,5